

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-йил чиқиши
№ 229 (1233)
21
Н О Я Б Р Ъ
Ж У М А
1958 йил
БАҲОСИ
20 ТИЙИН

Бухоро области пахта тайёрлаш планини бажарди

Областининг колхозчилари, совхоз, РТС ва МТСларининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет, касба соҳа ва комсомол ташкилотлари қишлоқ хўжалигини кескин юксалтириш юзасидан КПСС XX съезди қарорларини бажариш учун фидокорона курашиб, пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасида катта ишлар қилдилар. КПСС XXI съездини муносиб совғалар билан қўлиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, пахта тайёрлаш давлат планини 18 ноябрда муддатидан олдин 100,02 процент қилиб бажардилар, давлатта

Журнал тахтаси

Пахта тайёрлаш давлат планини бажарганликлари учун қуйидагилар област Журнал тахтасига ёзилдилар:

Колхозлар ва бригадалар	Планини бажариш (процент ҳисобда)	Қўшмача олган мажбурият (тонна ҳисобда)
1. Қўйи Чирчиқ районидagi Красин номли колхознинг ўртоқ А. Маҳаммадзонов бошлиқ бригадаси	107,0	24,8
2. Қўйи Чирчиқ районидagi Красин номли колхознинг ўртоқ А. Хоҳлов бошлиқ бригадаси	112,0	12,0
3. Қўйи Чирчиқ районидagi Красин номли колхознинг ўртоқ Ж. Турсунов бошлиқ бригадаси	165,0	14,0
4. Мирзачўл районидagi «Мирзачўл» совхозини 5- бўлимининг ўртоқ Ж. Ҳайдаров бошлиқ бригадаси	106,6	20,0
5. Мирзачўл районидagi «Ленинский путь» колхозининг ўртоқ К. Муллажонов бошлиқ бригадаси	100,1	27,0
6. Верхне-волинск районидagi «Социализм» совхозини 5- бўлимининг ўртоқ К. Норбоев бошлиқ бригадаси	109,3	24,0
7. Бойвут районидagi «Коммунизм» колхозининг ўртоқ А. Раҳмонов бошлиқ бригадаси	119,5	80,0
8. Бекобод районидagi 2- «Далварзин» совхозини 6- бўлимининг ўртоқ А. Аберкулов бошлиқ бригадаси	100,0	28,4

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотолари.

Етти йилликда химия саноатимизнинг ривожланиши

Чирчиқда сайёр илмий сессия

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тошкентдаги химия институтидан 20 ноябр эрталаб неча ўнлаб автомашиналар Чирчиқ шаҳрига йўналди. Бу машиналарда етти йиллик олимлар — Ўзбекистоннинг химикалари, бошқа қаршор республикалардан келган атоқли талқинчилар, халқ хўжалик кенгашлари ҳамда химия индустриясини корхоналарининг ходимлари, олий ўқув юрлари ва мактабларнинг ўқитувчилари бор эди. Уларнинг ҳаммаси республика Фанлар академияси томонидан СССР Фанлар академиясининг химия фанлари бўлими билан, СССР Министрлар Советининг химия бўлими билан, СССР Министрлар Советининг илмий-техника кенгаши билан биргаликда ўтказилган сайёр илмий сессияга қатнашиш учун ташлаб келинган эди.

Бу сессиянинг кун тартибига ҳозирги куннинг жуда муҳим масалалари киритилган. Сессия Ўзбекистон химия фани ва саноатини жадал суратлар билан ривожлантириш проблемаларига — ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг партия XXI съездида қилинган тоқлали тезисларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган проблемаларга бағишланган бўлиб қолган.

Чирчиқ химияларининг маданият саройи залида олтидан ортиқ киши тўпалани. Сессияга олимлар билан бирга ишлаб чиқариш новаторлари, шаҳар корхоналарининг илгор ишчилари ва инженерлари, партия ва совет ташкилотларининг закиллари келишди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Х. М. Абдуллаев қисқа кириш нутқи сўзлаб биринчи ялпи мажлисини очди.

Ўзбекистон, леги у, химия саноатининг кўнгина тармақларини ривожлантириш учун гоёт катта йиқилганлиги аниқ бўлган маълумотлар. Бу эса Коммунистик партия коммунизм куралишини жадаллаштиришда, социализм билан капитализмнинг тинч иқтисодий мусобақасида вақтдан муқим қадар кўпроқ иш вазифасини ҳал этишда химия тавом этган. (ЎзТАГ).

Область совхозларида пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида 1958 йил 20 ноябрда бўлган МА Ъ Л У М О Т


(Планга нисбатан процент ҳисобда)

Совхозлар	Маъсум бошлан бер	Бир кунлик ўсти	Совхозлар	Маъсум бошлан бер	Бир кунлик ўсти
6- «Қўноқ»	117,75	1,75	«Чанок»	67,13	0,59
«Вареский»	113,66	1,33	«УзССР беш йиллиги»	66,82	1,00
«Пискент»	80,53	0,57	«Гулистон»	66,78	0,84
«Социализм»	79,94	0,78	4- «Бойвут»	65,99	0,51
«Мирзачўл»	77,24	1,11	«Дружба»	62,46	0,37
3- «Бойвут»	77,19	0,78	«Малик»	51,77	0,65
1- «Далварзин»	75,66	0,41	1- «Охангарон»	51,00	1,34
Киров номли	74,69	1,24	Бушвур номли	47,86	1,13
1- «Бойвут»	72,90	0,67	Тошкент наслчилли совхози	47,64	—
2- «Далварзин»	72,62	0,64	2- «Охангарон»	36,23	0,93
«Оңғурган»	72,54	0,61			
«Фарҳод»	68,39	0,39			

И. САТТОРОВ.

КПСС XXI съезди шарафига умумхалқ мусобақаси

Областимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар



Областимиз саноат корхоналари, қурилишларида меҳнат қилаётган кўнгина ишчилар КПСС XXI съездини муносиб совғалар билан қўлиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, нида юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга): 1. Тошкент асбобсозлик заводининг илгор ишчиси ўртоқ Х. Соликов. У ишлаб чиқариш топириларини 1,5 бараварга етказиб бажарайт. 2. Охангарон давлат район электростанциясини тўртинчи турбинасини монтаж қилишда қатнашган, смена нормасини 180 процент қилиб бажарётган илгор слесарь ўртоқ Б. Шалиев иш устида.

Йиллик план бажарилди

Охангарон шаҳридаги саноат корхоналари коллективлари ўртасида КПСС XXI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қўлиб олинмоқда. Мусобақада 10-йилгача заводлари бажарганининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари айниқса юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Коллектив илгорлар иш устидини кенг омалаштириш, технология режими катъий амал қилиш ва мавжуд асбоб-ускуналардан тўла ҳамда унумли фойдаланиш тўғрисида 1958 йил учун белгиланган давлат планини муваффақият билан бажарди.

Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш натижасида ҳар 1000 донга гиштининг таннаҳири пландаги 177 сўм ўрнига 164 сўмга камайтирилди, ҳар 1000 донга черенца-нинг таннаҳири эса пландаги 540 сўм ўрнига 515 сўмга тушди. Шу тўғрисида ҳам корхона коллективлари давлатга пландан ташқари 157 минг сўм жамғарма берди.

Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан коллектив йил охиригача Катта Охангарон қурилишлари учун пландан ташқари бир неча ва минг сўмлик гишт ва черенца тайёрлаб бериш мажбуриятини олди. Бу мажбуриятни бажаришда ишлаб чиқариш илгорларидан Шокиров, Бекметов, Фелосеева каби ўртоқлар смена топириларини муттасил ортири билан ало этиб, ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

И. ЗАБИРОВ.

Маҳсулот ишлаб чиқариш нўпаймоқда

Кўп қатори бизнинг завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съездини муносиб қўлиб олиш учун ўз имкониятларини йиллик планнинг муздатидан олдин бажаришга эришмоқдалар. Бутун коллективнинг астойдил қайрат билан ишлаш жуда катта самаралар берди. Мавжуд резерв ва имкониятлардан яхши фойдаланишнинг учун тола ишлаб чиқариш йиллик топирига муваффақият билан — 5 ноябрда бажарилиди. Ўтган йилнинг ҳудуди шу даврдаги нисбатан 138 тонна кўп маҳсулот тайёрланди.

Шунингдек, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўлими белгиланган

Ўтуқларни мустаҳкамламоқдалар

«Ташкетийлаш» заводининг коллектив партиясини XXI съездини муносиб қўлиб олиш учун шу кунларда айниқса қайрат билан ишламоқда. Барча цех ва участкаларда съез шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора қизмоқда. Шу тўғрисида ҳам корхонада 10 ойлик топириги муздатидан илгари бажарилиб ва пландан ташқари қарийб 5 миллион сўмлик турли хил машиналар ишлаб чиқарилиди.

Ўртоқ Ш. Умаров қарорлиқ қилаётган темирчилик-пресс цехининг коллектив мусобақадан энг олдинда берибди. 11 ойлик планини муздатидан илгари бажарган цех ишчилари ҳозир йиллик топиригини ҳам муздатидан илгари бажариб учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Янгилик изловчилар

Сиз, олдин бир болт тайёрлаш процессини кўздан кечирганингиз борми? Бир неча грамм вазни билан қилган детални тайёрлаш кўп машаққатли иш. Яхлит темирдан 2-3 сантиметр узунлида заготовка келиб олсин, бу заготовкани преслаш, токарлик станокда би неча операциядан ўтказсин, махсус мосланган резьба йўлиш, фрезерлик станокда тайка билан бураш учун қирларини чиқариш ва ҳоказо... Ҳар бир операцияни бажаришда алоҳида операция ва ишчи банд бўлганлиги назарга олинса, бу кичик детални ишлаб чиқариш нечоғли мураккаб эканлигини тасаввур этиш қийин эмас. Ана шу процесслар 45 минут давом этади. Демак, 45 минутда бир неча грамм детал! Ваҳоланки, бутун бир машина йилгига 1,5 соат сарф бўлади, ҳоло...

Болтлар тайёрлашни қандай қилиб тезлаштириш мумкин? Ана бу сароф устида «Чирчиксельмаш» заводини темирчилик-пресс цехининг илгорлари Қадриев ва мастер Мехмед ўртоқлар кўп беш қотирилди. Бир неча янги вариантни кўздан кўридилар. Лекин натижа қўнғиллашдек чиқмади.

Харакатдан баракат деталлари-

дек, ниҳоят инженер ва мастер бу мушкулни муваффақият билан қилдилар. Улар эскириб, занглаб ётган станокни чиқиндилар орасидан топиб, цехга олиб келишар ва уни ускунага бешлашдилар. Икки рақсонлашган эриб бериб, меҳнат қилди. Станокка қайтадан электр моторлари, қўллаб мосламалар, кескичлар ўрнатилди. Натияжада таномил янги бир агрегат яратилди. Ниҳоят, янги станок синовдан ўтказилди. Рационализаторларнинг кашф этган етаноқларида болт айлани маҳалда операциялардан ўтказилди. Бунак технология процесс бир дастгоҳга қўйилган. Натияжа ёмон бўлмади: иш унуми 15 баравар ошди, бундан ташқари бир қанча станок ва ишчи бошқа операцияларни бажаришга қўйилди. Бу янгиликдан завод 35 минг сўм фойда кўрди.

«Чирчиксельмаш» заводда бунак жонқуяр новатор ва рационализаторлар қўллаб қўйилди. Жумладан, асбобсозлик цехининг Голландия, Бирюков, Кривошеин ўртоқлар каби мутахассислари ўзлар ҳаммасида ишлаб, қулайлашди. Деталлардан бирини айни вақтда иккитага преслашгани жорий этилди. Бу янгилик 20 минг сўм

Ўқув-тарбия ишларини турмушга яқинлаштирайлик

Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва ишларини келажакдаги ишларга пухта тайёрлаш ҳозирги вақтда айниқса биринчи даражада аҳамиятга эга бўлиб қолди. Чунки турмушнинг ўзи, коммунистик жамиятнинг улуғвор биносини қуриш манфаатлари айнан шуни талаб қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги тезисларида ҳаёт талаб қилган ҳудди ана шу фикрлар илгари сурилган. Бу муҳим ҳужжат шунини Коммунистик партиянинг мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда халқ маорифини рағбат топириш тўғрисида қилаётган доимий қарорларининг янги ва ёрқин далилидир.

Маълумки, совет ҳокимияти йилларда мамлакатимизда ўрта ва олий таълим кенг ривожланди. Революциядан илгари аҳолининг катта қисмида саводсиз бўлган бизнинг республикамизда ҳам халқ маорифи соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Биргина Тошкент шаҳрида 19 та олий, 27 та махсус ўрта ўқув юрлари, 60 та яқин илмий-техник мусасасалари бор. Уларда юздан ортиқ факультетлар, 4563 фан кандидатлари ва илмий ходимлар ишлаб турибди. Бизнинг олий ўқув юрларимиз ҳар йили халқ хўжалигининг барча соҳаларида муваффақият билан олаётган, янги мураккаб вазифаларни ҳал қилишда қобилиятли аjoyиб мутахассис кадрларнинг кўп сонли отрядини етиштириб берибди. Махсус ўрта ва олий ўқув юрларида 45 мингга яқин студент, областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида 1106 умумий таълим мактабларида 470 мингдан зиёд ўқил-қиз болалар ўқинмоқда.

Фан, маданият ва халқ маорифини ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларимиз бўлиниши қарамасдан ўрта ва олий мактабларимизда давом қилиб келатган ўқитиш системасида ҳали жиғил қамчиликлар борлиги, у ҳозирги замон талабларига ҳоҳ келмай қолганлиги эътиборга ҳамага аён. Шу муносабат билан ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Президенти маълумлаган ҳаттида баён қилинган фикрлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Негаки, унда миллионларча кишиларни қизиқтиратган ва бутун жамиятимизга таъаллуқли бўлган муҳим масалани тўғри ҳал қилиш оқидона кўрсатиб берилади. Ҳатта баён этилган бу фикрлар бепосен Ватанимизнинг ҳамма жойида бўлганидек областимиздаги барча фан, маданият аҳли, халқ маорифи ва олий ўқув юрлари ходимлари ҳамда кенг ота-оналар жамоатчилигини томонидан аўр қизиқиш билан маълумланди.

Партия XX съезидан кейин умумий таълим мактабларининг ўқув процессига политтехник таълим жорий қилинди ва у шубҳасиз яхши натижалар берди. Бу ўринда Тошкент шаҳридаги 10, 50, 68 ва 140- мактаблар ҳамда Бекобод шаҳридаги бир қатор мактабларда политтехника таълимини жорий қилишда эришилган дастлабки муваффақиятлар тилга олинса арийдил. Бу мактаблар ўзларининг муқаммал жиҳозланган ўқув устандаларига эга. Бу устандаларда амалий машғулотларни етарли тайёргарлиги бўлган маълум ўқитувчилар олиб бормоқдалар ва улар ўқувчиларда чинакам меҳнат қўнқиллари ҳосил қилмоқдалар.

Лекин шуни эътироф қилмоқ керакки, умуман олганда ўрта ва олий мактабларимизда ўқув-тарбия ишлари ҳозирга қадар турмушдан ажралган ҳолда олиб борилади. Натияжада ўрта ва олий мактабни таълимлаб чиқиб, асосан назарий билимлар билан қуроллантирилган йигит-қизлардан бир қисми ишлаб чиқариш нимагини билмайдиган, жисмоний меҳнатни меҳсимайишган, «қора ишдан ҳазар қиладиган бўлиб қолдилар. Жисмоний меҳнатга маъна шундай ноқулай муносабат бўлиб коммунистик ахлоқ принципларига мутлақо ёт бир нарсалар. Шунинг учун, олий таълим системасини қайта қуриш ижтимоий фанларни ўрганишнинг аниқ ахшиллашга, ишларни коммунистик руҳда тарбиялашга ёрдам бериши зарур. Тезисларда олий мактабларда ўқитишни практика билан, меҳнат билан қўлиб олиб боришнинг конкрет формалари олий ўқув юрларининг профилига, студентларнинг составига, шунингдек бир қанча миллий ва маҳаллий ҳусусиятларга қараб белгиланиши, кенга ва ерлиқ таълимни кенгайтириш лозимлиги қайт этилган.

Мактаб ўқувчиларининг ҳалдан ташқари банд бўлиб қолганлигига йўл қўймаслик, уларнинг санъат корхоналари, колхоз, совхозларда муваффақият билан олишлари учун ҳамма қулай шароитларни яратиш, болаларни жисмоний тарбиялаш ҳамда уларда яхши бағилийли ривожлантириш, ўқувчи қизлар меҳнатга тайёрлашда хотин-қизлар меҳнатининг ҳусусиятини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак.

Мактаблар ва олий ўқув юрларида таълим-тарбия системасининг шу тарафда қайта қурилиши мамлакатимизнинг коммунизм сари олға боришини ҳеч шубҳасиз жадаллаштирилади.

Область районларида пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида 1958 йил 20 ноябрда бўлган МА Ъ Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобда)

Районлар	Маъсум бошлан бер	Бир кунлик ўсти	Районлар	Маъсум бошлан бер	Бир кунлик ўсти
Бўстонлиқ	79,45	0,85	Урта Чирчиқ	68,47	1,13
Бойвут	76,58	0,61	Гулистон	67,14	0,92
Пискент	76,10	0,76	Октябрь	65,11	0,84
Қўйи Чирчиқ	74,29	1,05	Чанок	64,86	0,73
Бўна	73,94	1,01	Уртасарой	64,49	0,90
Бекобод	72,04	0,61	Сирдарё	63,70	0,91
Оңғурган	70,02	0,68	Оржоникидзе	61,17	0,73
Верхне-волинский	69,79	1,33	Ангийул	57,82	0,97
Мирзачўл	69,25	1,02	Охангарон	42,40	0,71
Юқори Чирчиқ	68,80	0,79	Калинин	37,25	0,64
			Область бўйича	68,49	0,86

Совет-Мўғулистон савдо муносабатларига доир

Б-614.